

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.13/30.12.2019.Т.07.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АМИРСАИДОВ УЛУГБЕК БАБУРОВИЧ**

**ЗАМОНАВИЙ ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТАРМОҚЛАРИ**  
**ФАОЛИЯТИНИНГ САТҲЛАРАРО МОДЕЛЛАРИ ВА**  
**САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ УСУЛЛАРИ**

05.04.01 – Телекоммуникация ва компьютер тизимлари, телекоммуникация тармоқлари ва қурилмалари. Ахборотларни тақсимлаш

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Техника фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора (DSc)  
по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of science (DSc)  
on technical sciences**

**Амирсаидов Улугбек Бабурович**

Замонавий телекоммуникация тармоқлари фаолиятининг сатҳлараро  
моделлари ва самарадорлигини ошириш усуллари ..... 3

**Амирсаидов Улугбек Бабурович**

Межуровневые модели и методы повышения эффективности функционирования  
современных сетей телекоммуникаций..... 27

**Amirsaidov Ulugbek Baburovich**

Cross-layer models and methods of improving the performance efficiency of modern  
telecommunication networks ..... 51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 56

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.13/30.12.2019.Т.07.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АМИРСАИДОВ УЛУГБЕК БАБУРОВИЧ**

**ЗАМОНАВИЙ ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТАРМОҚЛАРИ**  
**ФАОЛИЯТИНИНГ САТҲЛАРАРО МОДЕЛЛАРИ ВА**  
**САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ УСУЛЛАРИ**

05.04.01 – Телекоммуникация ва компьютер тизимлари, телекоммуникация тармоқлари ва қурилмалари. Ахборотларни тақсимлаш

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Техника фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.DSc/T417. рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tuit.uz](http://www.tuit.uz)) ва Ziyonet ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Усманова Наргиза Бахтиёрбековна техника фанлари доктори, доцент
Расмий оponentлар:	Юсулбеков Нодирбек Рустамбекович техника фанлари доктори, профессор, ЎзР ФА академиги Туреунов Бахтиёр Муҳамеджанович техника фанлари доктори, профессор Хамдамов Уткир Раҳматиллаевич техника фанлари доктори, доцент
Етакчи Ташкилот:	«UNICON.UZ» давлат унитар корхонаси

Диссертация ҳимояси Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги DSc.13/30.12.2019.T.07.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил 27 август соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида ZOOM платформаси орқали on-line шаклда бўлиб ўтди. Zoom идентификатори: 330 044 4963; Код: 1. (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108 –уй. Тел: (9971) 238-65-44; факс: (9971) 238-65-52; e-mail [tuit@tuit.uz](mailto:tuit@tuit.uz)).

Диссертация билан Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетидаги Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( 223 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108 – уй. Тел: (9971) 238-65-44).

Диссертация автореферати 2021 йил « 17 » август кун тарқатилди.  
(2021 йил « 16 » август даги 6 рақамли реестр баённомаси)



**И. Х. Сиддиқов**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

**Х. Э. Хужаматов**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш илмий котиби, PhD., доцент

**Д. А. Давронбеков**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, т.ф.д., доцент

## **КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертациясини аннотацияси)**

**Диссертация мавзусини долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда телекоммуникация тармоқларининг очик тизимларни ўзаро боғланишининг эталон модели ва TCP/IP протоколлар стекига асосланган архитектураларини такомиллаштириш бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Очик тизимларни ўзаро боғланиши ва TCP/IP моделларида сатҳлараро келишувнинг (муносабатни) йўқлиги тармоқ самарадорлигини чегаралайди. Ушбу йўналишда, жумладан сатҳлараро лойиҳалашнинг функционал имкониятларини сақлаган ҳолда, сатҳлараро мулоқот механизмларини жорий этиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Бундай имкониятларни амалга ошириш учун бир сатҳ кўрсаткичларини бошқа сатҳлар кўрсаткичларига таъсири қонуниятларини билиш ҳамда тармоқлар фаолиятининг самарадорлигини таъминлаш мақсадида сатҳлараро моделларни яратиш долзарб ҳисобланмоқда. Бу борада жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида, жумладан, АҚШ, Германия, Жанубий Корея, Ҳиндистон, Россия Федерацияси ва бошқа давлатларда тармоқларни сатҳлараро тадқиқ этиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланмоқда.

Жаҳонда телекоммуникация тармоғининг самарадорлигини ошириш ва сифат кўрсаткичларини таъминлаш бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Ушбу йўналишда, жумладан, сатҳлараро мулоқот, тармоқ ресурсларини виртуаллаштирилганлиги ва трафикларни хусусиятларини инобатга олган ҳолда телекоммуникация тармоғининг математик ва имитацион моделларини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Замонавий симли ва симсиз (LTE, 5G) тармоқларни маълумот узатиш звеноларини самарадорлигини ошириш ҳамда тармоқ сатҳлари параметрларини оптималлаштириш бўйича тадқиқотларга катта аҳамият бериб келинмоқда. Ушбу тадқиқотларда қўйилган масалаларни ечиш учун сатҳлараро мулоқот ва сунъий интеллект механизмларини қўллаш ҳамда тармоқнинг функционал сатҳлари кўрсаткичларини ўзаро боғлиқлигини инобатга олиб, сатҳ параметрларини оптимал кўрсаткичларини ўрнатиш асосида телекоммуникация тармоғининг самарадорлигини ошириш модел, алгоритм ва усулларини ишлаб чиқиш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Республикамизда телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш, тақдим этилаётган хизматларни кўпайтириш, тармоқ ва хизматларни интеграциялаш, тармоқларини модернизация қилиш ва самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан “ахборот-коммуникация технологияларини иқтисодиёт, ижтимоий соҳа ва бошқарувда тадбиқ этиш” ва “аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига кўрсатилаётган давлат хизматларини самарадорлигини, сифатини ва қулайлигини ошириш”<sup>1</sup> вазифалари белгиланган. Мазкур вазифаларни амалга ошириш мақсадида тармоқ

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 7 февралдаги ПФ-4947 – сон «Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

ресурсларидан самарали фойдаланиш ва телекоммуникация тармоғининг мослашувчанлигини ошириш учун сатҳлараро мулоқатнинг математик ва имитацион моделларни такомиллаштириш ҳамда ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш Харакатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги ПФ-6079-сонли “Рақамли Ўзбекистон – 2030 стратегиясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 ноябрдаги ПҚ-4022-сонли “Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида рақамли инфратузилмани янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 мартдаги 185-сонли “Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация хизматлари сифатини янада яхшилашга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи.**

Телекоммуникация тармоқларининг самарали фаолияти ва хизмат сифатини таъминлашга йўналтирилган математик модел, усул ва ёндашувларни яратишга бағишланган тадқиқотлар халқаро институтлар (ITU-International Telecommunication Union, ETSI-European Telecommunications Standards Institute) компаниялар (Cisco Systems, Huawei, NEC), алоқа операторлари (АТ&Т, China Telecom, Ростелеком), илмий-текширув институтлари ва олий таълим муассасаларининг илмий мактабларида (University of California (АҚШ), University of Alabama (АҚШ) University of Warwick (Буюк Британия), Lübeck University of Applied Sciences (Германия)) олиб борилмоқда.

Телекоммуникация тармоғи ва унинг қурилмаларининг самарадорлигини ошириш бўйича тадқиқотлар Москва техник алоқа ва ахборотлаштириш университети (Россия), М.А.Бонч-Бруевич номидаги Санкт-Петербург телекоммуникация давлат университети (Россия) ва Сибирь телекоммуникация ва информатика давлат университетларида (Россия) ўтказилган.

Телекоммуникация тармоқларининг самарадорлигини ошириш ва сифат кўрсаткичларини таъминлаш бўйича жаҳонда ўтказилган илмий тадқиқотларда қуйидаги натижаларга эришилган: маълумот узатиш тизимларининг шовқинбардошлигини таъминлаш ва оптималлаштириш

усуллари яратилган (Москва техник алоқа ва ахборотлаштириш университети); тармоқ трафикларига хизмат кўрсатиш сифатини баҳолаш моделлари ишлаб чиқилган (М.А.Бонч-Бруевич номидаги Санкт-Петербург телекоммуникация давлат университети); дискрет алоқа каналларини моделлари, маълумотларни мобил тармоқлардан узатиш сифатини таъминлаш усуллари ва маълумотларни радиоканалдан узатишни оптималлаштириш алгоритмлари яратилган (Сибирь телекоммуникация ва информатика давлат университетлари); телекоммуникация тармоқларни марков жанжирлари асосида моделлаштириш усуллари ишлаб чиқилган (Калифорния университети); симсиз ва интеллектуал тизимларни лойиҳалаш асослари яратилган (Алабама университети).

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Сатҳлараро коммуникацияни чегараланганлиги билан боғлиқ муаммоларни ечиш мақсадида алоқа тармоғи ва тизимлари учун сатҳлараро усуларни яратиш ва такомиллаштириш таниқли тадқиқотчи ва етук мутахассислар томонидан амалга оширилган. Масалан А. Cattoni, Bo Fu, Yang Xiao, F.Zhai, Long Zhang, A.Cnelli, M.Chen, Yang Xiao, A.M.Law, F.Kelly, K.W.Ross, L. Kleinrock, В.М.Вишневский, Б.С. Гольдштейн, А.Е.Кучерявый, А.В.Росляков, Н.А.Соколов, Г.Г. Яновский, О.С.Чугреев ва бошқа чет эл олимларини келтириш мумкин.

Тармоқларни қуриш ва уларнинг сифат кўрсаткичларини таҳлил этиш масалалари жуда кўп олимлар томонидан амалга оширилган. Ушбу масала бўйича Ўзбекистонда қўйидаги олимлар шуғулланганлар: Д.А. Абдуллаев, М.Н. Арипов, Р.И. Исаев, Т.Н. Нишанбаев, Н.Б. Усманова, Р.П. Абдурахманов, С.С. Парсиев ва бошқа олимлар.

Ушбу мавзудаги илмий ишларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, тармоқларни моделлаштириш ва кўрсаткичларини баҳолаш физик, канал ва тармоқ сатҳларининг ўзаро боғланишларини инобатга олмасдан амалга оширилган. Тармоқ сатҳлари параметрларини келишилган ҳолда танлаш асосида телекоммуникация тармоғи фаолиятининг самарадорлигини ошириш масалалари етарли даражада тадқиқ этилмаган. Тармоқ фаолиятининг самарадорлик кўрсаткичлари оммавий хизмат кўрсатиш назарияси моделлари асосида аниқланган, лекин пакетларнинг орасидаги интервални пакетлар узунлигига боғлиқлиги инобатга олинмаган. Яратилган моделларни номувофиқлиги тармоқни қуриш, лойиҳалаштириш ва эксплуатация қилиш жараёнларида нооптимал қарорларни қабул қилишга олиб келади. Бундан ташқари, симсиз технология ва коммуникациялар бўйича тадқиқотлар шуни кўрсатадики, турли сатҳ протоколларини яратишда симсиз муҳитдаги мулоқот хусусиятларини инобатга олиш керак. Юқоридагилардан келиб чиқадики, тармоққа боғлиқ сатҳлар вазифаларини комплекс ва келишилган ҳолда бажариш асосида симли ва симсиз тармоқлар фаолиятининг сатҳлараро моделлари ва самарадорлигини ошириш усулларини яратиш ҳамда такомиллаштиришни талаб этмоқда.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот

технологиялари университети илмий тадқиқот режасининг Ф - 393-12 «Кейинги авлод тармоқларини тадқиқ этиш ва хизмат кўрсатиш сифати кўрсаткичларини баҳолаш учун математик ва имитацияли моделларни яратиш» (2012-2014), Ф-553-15 «IMS платформаси асосида қурилган телекоммуникация тармоқларида оқимларни тақсимлаш модел ва усулларини яратиш» (2015-2016) ва Ф-707-17 «Виртуал сервис тармоқларни (SON -Service Overlay Networks) қуришда телекоммуникация операторларининг тармоқ ресурсларини оптимал тақсимлаш» (2017-2018) мавзуларидаги илмий лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** телекоммуникация тармоғининг функционал сатҳлари кўрсаткичларини ўзаро боғлиқлигини яхшилайдиган, самарадорлигини оширадиган ахборотларни сатҳлараро алмашиш моделлари ва усулларини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

телекоммуникация тармоқлари фаолияти жараёнларини тадқиқ этиш усулларини таҳлил қилиш;

тармоқ сатҳларининг сифат кўрсаткичларининг ўзаро боғлиқлиги ва параметрларини ўзаро мослашувини инобатга олган ҳолда замонавий симли ва симсиз тармоқларнинг маълумотларни узатиш звеноларини сатҳлараро моделларини ишлаб чиқиш;

маълумотларни узатиш звеносининг параметрларини инобатга олган ҳолда телекоммуникация тармоқлари фаолиятининг сатҳлараро моделини яратиш;

оқимларни маршрутлаш ва тармоқ тугунларида навбатларга хизмат кўрсатишнинг сатҳлараро моделини ишлаб чиқиш;

сатҳлараро боғланишга асосланган телекоммуникация тармоқлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш усулларини ишлаб чиқиш;

трафик хусусиятлари ва тармоқ ресурсларининг виртуаллаштирилганини инобатга олиб телекоммуникация тармоғи самарадорлигини баҳолаш моделларини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот объекти** сифатида телекоммуникация тармоқларининг кўпсатҳли функционал архитектураси олинган.

**Тадқиқот предметини** телекоммуникация тармоқларининг моделлари ва самарадорлигини ошириш усуллари ташкил этади.

**Тадқиқот усуллари.** Қўйилган масалаларни ечиш учун эҳтимоллар назарияси, математик статистика ва оммавий хизмат кўрсатиш назариялари усулларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

телекоммуникация тармоқларининг ахборот узатиш самарадорлигини оширишни сатҳлараро муносабатларида навбатларга динамик хизмат кўрсатиш усуллари ва методологияси ишлаб чиқилган;

симли ҳамда симсиз телекоммуникация тармоқларнинг маълумот узатиш звеноларининг физик ва канал сатҳлари самарадорлик кўрсаткичларининг моделлари яратилган;



телекоммуникация тармоқлари ресурсларидан фойдаланиш ва самарадорлик кўрсаткичларининг ўзаро боғлиқлик даражаларини баҳолашнинг сатҳлараро моделлари яратилган;

телекоммуникация тармоқ сатҳларининг маълумотлар оқимини маршрутлаш ва тармоқ тугунларида навбатларга хизмат кўрсатишнинг сатҳлараро модели яратилган;

телекоммуникация тармоқларининг сатҳлараро самадорлигини оширишнинг мулоқатли ва сунъий интеллектли усуллари яратилган;

трафиклари ўз-ўзига ўхшаш ва тармоқ ресурслари виртуаллашган телекоммуникация тармоқларининг самарадорлик кўрсаткичларини баҳолаш моделлари яратилган.

#### **Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:**

гильберт дискрет канали орқали маълумотларни узатиш учун уларни оптимал узунликликларини аниқлаш дастури яратилган;

турли вариантларни саралаш асосида виртуал тармоқларни физик тармоқда акс эттириш дастури яратилган;

маршрутизаторлар боғланганлик даражасини инобатга олиб виртуал тармоқларни физик тармоқда акс эттириш дастури яратилган;

телекоммуникация операторлари учун тармоқнинг самарадорлик кўрсаткичларни аниқлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Диссертациянинг асосий натижаларининг аниқлиги оммавий хизмат кўрсатиш назарияси усуллари тўғри ишлатилганлиги ҳамда AnyLogic ва GPSS World дастурий таъминотлар ёрдамида ўтказилган имитацион моделлаштириш натижалари билан изоҳланади.

#### **Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, телекоммуникация тармоқлари фаолиятининг сатҳлараро моделлари ва самарадорлигини ошириш усуллари, маълумот оқимларини маршрутлаш ва навбатларга динамик хизмат кўрсатиш усуллари яратилган. Тадқиқот натижасида сатҳлараро боғланиш, трафик хусусиятлари ва сатҳларни қуриш механизмларини инобатга олиб замонавий симли ва симсиз тармоқлар фаолиятининг самарадорлигини тадқиқ этиш учун мультисервис тармоқлари телетрафика назариясининг модел ва усуллари токомиллаштирилган ҳамда янги услубиёт ва усуллари яратилган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, янги интерфейс ва қўшни интерфейсларни бирлаштириш учун тармоқ ва технологияларга бўлган талабни таҳлил этиш услубиёти яратилган. Симли ва симсиз алоқа протоколларини яратишда узатиш муҳити хусусиятлари, яъни умумий канал, ўтказувчанлик қобилиятининг чегараланганлиги, хатоларни пайдо бўлиш жадаллигининг юқорилиги ва ушланишларни юқорилиги инобатга олинган. Ўтказилган тадқиқот иш натижаларининг Ўзбекистон Республикаси ахборот технология ва коммуникациялари соҳаси учун амалий аҳамияти шундаки, замонавий тармоқ кўрсаткичлари бўйича талаб ва кўрсатмаларни яратишга

асос яратади ҳамда виртуал тармоқларни физик тармоқда акс эттириш (ўрнатиш) дастурлари яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Замонавий телекоммуникация тармоқлари фаолиятининг сатҳлараро моделлари ва самарадорлигини ошириш усуллари бўйича олинган натижалар асосида:

симли ҳамда симсиз телекоммуникация тармоқларнинг маълумот узатиш звеноларининг физик ва канал сатҳлари самарадорлик кўрсаткичларининг моделлари ҳамда телекоммуникация тармоқларининг сатҳлараро самарадорлигини оширишнинг мулоқатли усуллари Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги корхоналарга, жумладан «COSCOM» МЧЖ да жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2021 йил 15 январдаги № 33-8/319 – сон маълумотномаси). Натижада канал сатҳининг самарадорлигини 23% га оширишга эришилган;

телекоммуникация тармоқларининг сатҳлараро самарадорлигини оширишнинг мулоқатли усуллари ҳамда телекоммуникация тармоқларининг ахборот узатиш самарадорлигини оширишни сатҳлараро муносабатларида навбатларга динамик хизмат кўрсатиш усуллари ва методологияси Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги корхоналарга, жумладан «UMS» МЧЖ да жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2021 йил 15 январдаги № 33-8/319 – сон маълумотномаси). Натижада канал сатҳининг самарадорлигини 20% га оширишга эришилган;

телекоммуникация тармоқлари ресурсларидан фойдаланиш ва самарадорлик кўрсаткичларининг ўзаро боғлиқлик даражаларини баҳолашнинг сатҳлараро моделлари ҳамда трафиклари ўз-ўзига ўхшаш ва тармоқ ресурслари виртуаллашган телекоммуникация тармоқларининг самарадорлик кўрсаткичларини баҳолаш моделлари Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги корхоналарга, жумладан «Ўзбектелеком» АК нинг лойиҳалаштириш жараёнларида татбиқ этилган (Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2021 йил 15 январдаги № 33-8/319 – сон маълумотномаси). Натижада трафикларга хизмат кўрсатиш сифатини 5-7 % га оширишга эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертация ишининг натижалари 7 та халқаро, 6 та республика илмий-амалий конференцияларида ҳамда илмий семинарларда муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларини эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 35 та илмий иш, шу жумладан 2 та монография, 17 та илмий мақола, улардан 12 таси ЎзР ОАК тавсия этган журналларда, шу жумладан 3 таси хорижий, 9 таси республика миқёсидаги журналларда чоп этилган ҳамда 3 та

ЭХМ учун яратилган дастурий воситаларни қайд қилиш гувоҳномалари олинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 193 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусини долзарблиги ва зарурати асосланган, мавзу бўйича хорижий илмий-тадқиқотларнинг шарҳи ва муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари шакллантирилган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларни илмий ва амалий аҳамияти кўрсатилган, тадқиқот натижаларни амалиётга жорий қилиш, ишнинг апробацияси, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи **“Замонавий телекоммуникация тармоқлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш масаласини тизимли формаллаштириш”** бобида тармоқдаги мулоқотларни кўпсатхли моделлари, сатҳлараро мулоқот механизмлари ва тармоқ фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш масалалари келтирилган. Телекоммуникация тармоғи мураккаб тизим сифатида формал ифодаланган ва тармоқда кечаётган сатҳлараро мулоқотларни тадқиқ этиш услуги таклиф этилган. Телекоммуникация тармоғи фаолиятининг самарадорлик кўрсаткичларини тадқиқ этишнинг мавжуд моделларининг таҳлили асосида тармоқдаги мулоқотларнинг сатҳлараро моделларини яратиш лозимлиги кўрсатилган ва уларни такомиллаштириш асослари шакллантирилган.

Самарадорлик барча тизимларни фундаментал хусусияти бўлиб, уларни фаолиятини ифодалайди. Самарадорлик тизимлар фаолиятининг сифатини белгилайди ва уларга юклатилган вазифани қандай бажарилганлигини кўрсатади.

Телекоммуникация тармоқлари фаолиятининг самарадорлиги (Network performance - NP) бу тажриба ва ўлчашлар асосида аниқланган тармоқ кўрсаткичлари ва параметрлар ҳисобланади. Ушбу кўрсаткич ва параметрлар тармоқ технологияларига боғлиқ бўлиб, терминал қурилмалари самарадорлиги ва фойдаланувчилар ҳаракатини инобатга олмаган ҳолда аниқланади. Лойиҳалаштиралаётган тармоқни самарадорлиги математик моделлар асосида аниқланади. Халқаро электралоқа иттифоқининг (ITU - International Telecommunication Union) ITU-T Y.1540 тавсиясига биноан тармоқ фаолияти самарадорлиги кўрсаткичи этиб қуйидагилар белгиланган: пакетларни етказиш вақти, пакетларни етказиш вақти вариацияси (джиттер), пакетларни йўқолиш ва хато бўлиш коэффицентлари.

Тармоқдаги мулоқотларни кўпсатхли моделларининг асосий афзаллиги шундан иборатки, ҳар бир сатҳ бошқа сатҳга боғлиқ бўлмаган ҳолда

яратилиши ва ўзгартирилиши мумкин. Ҳар бир сатҳдаги интерфейс ёрдамида турли ишлаб чиқарувчилар томонидан яратилган қурилмалар ўзаро мулоқот қиладилар. Лекин сатҳлар бир - биридан ажратилганлиги сабабли ўзаро мулоқот қилиш чекланган.

OSI ва TCP/IP сатҳ протоколларининг модулли тузилиши ва бир-бирига боғлиқ эмаслиги тармоқ самарадорлигини пасайишига олиб келади. Ҳар бир сатҳ фаолиятини бошқа сатҳлардан ажратилган ҳолда оптималлаштириш тармоқни фаолиятини оптималлаштиришга олиб келмайди. Тармоқ самарадорлигини ошириш учун турли сатҳлар орасида координация ва параметрлар бўйича келишув учун сатҳлараро боғланиш керак. Мавжуд кўпсатҳли тармоқ архитектураларини такомиллаштириш мақсадида тадқиқотчилар томонидан сатҳлараро лойиҳалаш (дизайн) (CLD –Cross-Layer Designs) бўйича турли ёндашувлар таклиф этилмоқда.

Сатҳлараро мулоқот механизми ва оптималлаштиришни амалга оширишда телекоммуникация тармоқларини сатҳлараро моделларини яратиш масалалари катта аҳамиятга эга, чунки ушбу моделлар асосида тармоқнинг турли функционал сатҳларининг кўрсаткичлари орасидаги қонуниятлар тадқиқ этилади. Сатҳлараро моделлар асосида турли сатҳ протоколлари ва алоқа канали параметрларини инобатга олиб тармоқ самарадорлигининг кўрсаткичларини аниқлаш учун аналитик формулалар аниқланади. Шунинг учун сатҳлараро аналитик ва имитацияли моделлар тармоқни сатҳлараро оптималлаштириш масалаларини ечиш учун пойдевор ҳисобланади.

Мавжуд моделларнинг таҳлили натижасида телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаш аниқлигини ва самарадорлигини ошириш бўйича қуйидаги масалалар ҳал этилиши кераклиги аниқланди:

тармоқ сатҳлари кўрсаткичларининг ўзаро боғлиқликларини тадқиқ этиш учун сатҳлараро моделларни яратиш;


маълумотлар оқимини маршрутлаш ва тармоқ тугунларида навбатларга хизмат кўсатишнинг сатҳлараро моделини яратиш;

тармоқ сатҳлари параметрларни келишилган ҳолда ўрнатиш асосида тармоқ фаолияти самарадорлигини ошириш усулларини яратиш.

Кўрсатилган масалалар ўзаро боғлангандир. Шунинг учун яратилаётган моделлар ҳам ўзаро боғланган бўлиши керак. Қуйида телекоммуникация тармоқлари фаолиятининг сатҳлараро тадқиқ этиш методологияси шакллантирилган.

Тизимни  $(S)$  сатҳлараро ифодалаш учун шундай тахмин қабул қилинадики, унга кўра тизимнинг кириш тўплами  $X$  ва кўрсаткичлар тўплами  $Y$  декарт кўпайтмаси сифатида тасвирланади  $X = X_1 \times X_2 \times \dots \times X_n$ ,  $Y = Y_1 \times Y_2 \times \dots \times Y_n$ . Ҳар бир жуфтлик  $(X_i, Y_i)$ ,  $1 \leq i \leq n$  маълум сатҳни  $(S_i)$  ифодалайди.  $S_i$  қуйидагича аниқланади  $S_i \subseteq X_i \times Y_i$ , бу ерда  $X_i \times Y_i = \{(x, y) | x \in X_i \wedge y \in Y_i\}$ . Функционал тизим учун  $S_i$  функция деб аталади ва қуйидагича белгиланади:  $F_i : X_i \rightarrow Y_i$  ёки  $y = F_i(x)$ .

Тармоқни қўшни сатҳларини боғлиқлиги 1- расмда келтирилган.



1-расм. Тармоқни қўшни сатҳларини боғланиши

Тармоқнинг  $i$  - сатҳини биринчи киришига  $(i+1)$  - сатҳдан  $i$  -хизматни тақдим этиш учун буюртма ( $z_{i+1} \in Z_{i+1}$ ) тушади.  $i$  - сатҳ ўз хизматини тақдим этиш учун  $(i-1)$  - сатҳнинг хизматидан фойдаланади. Кўрсатилган  $(i-1)$  - хизмат кўрсаткичлари ( $y_{i-1} \in Y_{i-1}$ )  $i$  - сатҳнинг иккинчи киришига тушади.  $i$  - сатҳ учун  $Z_{i+1}$  ва  $Y_{i-1}$  тўпلام элементлар ташқи параметрлар ҳисобланади,  $x_i \in X_i$  ички параметрларга киради. Биринчи сатҳ учун пастдан келадиган ташқи параметр бўлиб маълумот узатиш муҳити параметри ҳисобланади ( $x_0 \in X_0$ ).

Сатҳлар кўрсаткичларини функцияларини топиш керак

$$\begin{aligned}
 y_n &= F_n(x_n, y_{n-1}), \\
 y_i &= F_i(x_i, z_{i+1}, y_{i-1}), \quad 2 \leq i \leq (n-1), \\
 y_1 &= F_1(x_1, z_2, x_0)
 \end{aligned} \tag{1}$$


ва сатҳлар параметлари тўпلامлари элементларини шундай қийматларини топиш керакки, сатҳлар кўрсаткичларининг функциялари оптималга (максимум ёки минимум) эришсин

$$\begin{aligned}
 y_{n \text{ opt}} &= \text{opt } F_n(x_n, y_{n-1}), \\
 y_{i \text{ opt}} &= \text{opt } F_i(x_i, z_{i+1}, y_{i-1}), \quad 2 \leq i \leq (n-1), \\
 y_{1 \text{ opt}} &= \text{opt } F_1(x_1, z_2, x_0).
 \end{aligned} \tag{2}$$

(1) – масала сатҳлараро моделлаштириш вазифасидир, (2)- масала эса тармоқларни сатҳлараро оптималлаштириш вазифасига киради.

Телекоммуникация тармоғининг функционал архитектурасига биноан (2-расм) сатҳ функцияларининг боғликлиги қўшни тугунлар (физик ва канал сатҳлари учун) орасида маълумот алмашуви орқали амалга оширилади, тармоққа боғлиқ сатҳларнинг фаолияти эса кўп сонли кўрсаткичлар ва

параметрлар ёрдамида шакллантирилади. Ушбу жиҳатларни инобатга олиб турли масалалар ечилади.



2-расм. Телекоммуникация тармоғининг функционал сатҳлари

ITU-T Y.1540 тавсиясига биноан тармоқ кўрсаткичлари тўплами  $NP$  (*Network performance*) киритилади.  $NP$  тўплами элементлари этиб  $IPTD$  (*IP packet transfer delay*),  $IPDV$  (*IP packet delay variation*),  $IPLR$  (*IP packet loss ratio*) ва  $IPER$  (*IP packet error ratio*) белгиланади:

$$NP = \{IPTD, IPDV, IPLR, IPER\}. \quad (3)$$

ITU-T X.144 тавсиясига биноан маълумот узатиш звеноси кўрсаткичлари тўплами  $LP$  (*Link performance*) ҳамда уни  $FLR$  (*Frame Loss Ratio*) ва  $FTD$  (*Frame Transfer Delay*) элементлари киритилади:

$$LP = \{FLR, FTD\}. \quad (4)$$

$LP$  тўплам элементлари қийматлари физик  $FLP$  (*Fisik layer performance*) ва канал сатҳлари  $ChLP$  (*Chanel layer performance*) кўрсаткичлари боғлиқ функция сифатида топилади:

$$LP = f(FLP, ChLP). \quad (5)$$

Физик сатҳ кўрсаткичлари алоқа канали сифати, модуляция ва шовкинбардош кодларга боғлиқ функция сифатида топилади:

$$FLP = f(\text{канал сифати, модуляция усули ва шовкинбардош код}). \quad (6)$$

Канал сатҳ кўрсаткичлари физик сатҳ кўрсаткичлари  $FLP$  ва маълумот узатиш усулларига боғлиқ функция сифатида топилади:

$$ChLP = f(FLP, \text{маълумот узатиши усули}). \quad (7)$$


Тармоқ кўрсаткичлари тўплами  $NP$  элементларининг қийматлари, пакетларни тушиш жадаллиги  $\lambda$ , тармоқ тугунларининг сони  $N$ , маълумот узатиш звеносининг кўрсаткичлари  $LP$ , пакетларни маршрутлаш ва хизмат кўрсатиш усулларига боғлиқ функция сифатида топилади:

$$NP = f(\lambda, N, LP, \text{маршрутлаш, хизмат кўрсатиш}). \quad (8)$$

Ушбу методология асосида диссертация ишида кўпсатхли архитектура асослари шакллантирилди, у турли сатҳ объектлари орасида бошқарув маълумотларини алмашишни тامينлайди ва тармоқ фаолиятининг самарадорлигини аниқлаш бўйича тадқиқот ўтказиш ва моделларини яратишда турли сатҳ параметр ва кўрсаткичларини ўзаро таъсирини инобатга олади.

Диссертацияни иккинчи «**Замонавий симли в симсиз тармоқларнинг маълумотларни узатиш звеноларининг сатҳлараро моделларини яратиш**» бобида сатҳлараро моделлаштириш ва оптималлаштириш ҳамда физик ва канал сатҳлари фаолияти самарадорлигини ошириш масалалари кўрилган. Симли ва симсиз тармоқларнинг тармоққа боғлиқ сатҳларини қуриш механизмларини таснифлаш асосида маълумотларни узатиш звеноларининг сатҳлараро моделлари яратилган ва улар фаолиятининг самарадорлигини ошириш усуллари таклиф этилган.

Симли тармоқларнинг (СТ) маълумот узатиш звеноси оммавий хизмат кўрсатиш тизими (ОХКТ) сифатида тасвирланади (3-расм).



3-расм. Симли тармоқнинг маълумот узатиш звеносини модели

ОХКТ киришига  $\lambda$  жадаллик билан кадрлар оқими келиб тушади. Кадрларга хизмат кўрсатиш жадаллиги:  $\mu = 1/\bar{T}_{обс}$ . Кадрларга хизмат кўрсатишнинг ўртача вақти ( $\bar{T}_{обс}$ ) маълумот узатиш звеносининг архитектураси ва алоқа канали параметрлари асосида аниқланади (4-расм).



4-расм. Симли тармоқнинг маълумот узатиш звеносининг функционал архитектураси

Кадрларга хизмат кўрсатиш вақтининг ҳосил қилувчи функцияси топилган:

$$F_{обс}(z) = \frac{(1 - P_{oo})f_k(z)f_{кв}(z)[1 - (P_{oo}f_k(z)f_{кв}(z))^{N_n}]}{1 - P_{oo}f_k(z)f_{кв}(z)}, \quad (9)$$

бу ерда  $f_k(z)$  ва  $f_{кв}(z)$  - мос равишда маълумотлар кадри ва квитанция кадрларини узатиш вақтларини ҳосил қилувчи функциялари;  $P_{oo}$  - маълумотлар кадрида хатоларни топиш эҳтимоллиги ва  $N_n$  - маълумот кадрларини қайта узатишлар сонининг максимал қиймати.


Ҳосил қилувчи функция (1) ёрдамида кадрларни кечикишининг ўртача қиймати ( $\bar{T}_{обс}$ ), дисперсияси ( $D_{обс}$ ), ўртача квадрат оғиш ( $\sigma_{обс}$ ) ва вариация коэффицентлари ( $v_{обс}$ ) аниқланган.

Олинган натижалар шуни кўрсатадики, кадрларга хизмат кўрсатиш вақтининг тақсимот қонунияти экспоненциал тақсимотга тўғри келмайди, чунки хизмат кўрсатиш вақтининг вариация коэффиценти тизим юкласига боғлиқ ҳолда 0 дан 1 гача ўзгаради. Шунинг учун, 3-расмда келтирилган ОХКТ ни хизмат кўрсатиш вақтини ихтиёрий тақсимотга (G) эга деб M/G/1 модели сифатида тасвирлаш мумкин. Ушбу ҳолда кадрларни маълумот узатиш звеносида ушланиб қолишининг (кечкишининг) ўртача вақти қуйидаги формула билан аниқланади:

$$T_{зад} = W + \bar{T}_{обс} = \frac{\lambda \bar{T}_{обс}^2 (1 + v_{обс}^2)}{2(1 - \rho)} + \bar{T}_{обс}, \quad (10)$$

бу ерда  $\rho = \lambda / \mu = \lambda \bar{T}_{обс} < 1$  – тизим юкласи.

5 – расмда кадрларни ўртача кечикиш вақтининг код узунлигига боғлиқлик графиги келтирилган.



5-расм. Гильберт каналининг турли параметрлари учун кадрларни ўртача кечикиш вақтининг код узунлигига боғлиқлик графиги



5-расмдан кўринадикки, код узунлиги ва хатоларни гуруҳланган коэффицентини ( $K_{gr}$ ) ошиши билан кадрларни ўртача кечикиш вақти ортиб боради.


Кадрларни узатиш протоколи жараёнлари амалга оширилгандан сўнг кадрда қолдиқ хато бўлиш эҳтимоллиги куйидагича топилади:

$$P_{oik} = \sum_{k_n=1}^{N_n} P_{no} P_{oo}^{k_n-1} = \frac{P_{no}(1 - P_{oo}^{N_n+1})}{1 - P_{oo}}, \quad (11)$$

бу ерда  $P_{no}$  - кадрдаги хатони топа олмаслик эҳтимоли.

Аниқланган аналитик ифодалар симли тармоқларнинг маълумот узатиш звеноси фаолиятини самарадорлигини таъминлаш мақсадида физик ва канал сатҳларнинг оптимал параметрларини аниқлаш масалаларини ечишга хизмат қилади.


**LTE тармоғининг** маълумот узатиш звеноси MAC (Media Access Control) ва RLC (Radio Link Control) сатҳларидан иборат. MAC сатҳида HARQ (Hybrid Automatic Repeat Reques) протоколи, RLC сатҳида эса ARQ (Automatic Repeat Reques) протоколи ишлатилади. 6-расмда кадрни фойдалувчи қурилмасининг UE (User Equipment) RLC сатҳидан базавий станциянинг eNB (eNodeB) RLC сатҳигача узатишнинг умумлашган функционал тузилиши келтирилган.



6 - расм. LTE тармоғи маълумот узатиш звеносининг функционал тузилиши

Кадрларни узатиш жараёнларини ифодалаш учун эҳтимолий-вақт графлар назарияси ва ҳосил қилувчи функция усулларида фойдаланамиз. Маълумот узатишни MAC UE сатҳдан MAC eNB сатҳгача бўлган жараённи  $F_1(z)$  функцияси билан ифодалаймиз. Маълумот узатишни RLC UE сатҳдан RLC eNB сатҳгача бўлган жараённи  $F_2(z)$  функцияси билан ифодалаймиз. Кўриниб турибдики,  $F_2(z)$  функцияси  $F_1(z)$  функцияни ўз ичига олган. HARQ ва ARQ кадрларига ўртача хизмат кўрсатиш вақтлари ( $\bar{T}_{o6c1}$  ва  $\bar{T}_{o6c2}$ )  $F_1(z)$  ва  $F_2(z)$  функциялардан ҳосила олиб топилади.

7 – расмда турли радиоканал моделлари учун кадрларни маълумот узатиш звеносида ўртача кечикиш вақтини ҳар бир битни хато бўлиш эҳтимоллигига боғлиқлик графиги келтирилган.



7-расм. AWGN ва Raleigh канали учун кадрларни кечикиш вақтини ҳар бир битни хато бўлиш эҳтимоллигига боғлиқлик графиги.

7-расмдан кўриниб турибдики, симсиз узатиш муҳотида сигналларни котиши (Raleigh канали) кадрларни кечикиш вақтини ошишига олиб келади. Бунинг сабаби шундаки, Raleigh каналида кадрларни хато қабул қилиш эҳтимоллиги AWGN (Additive White Gaussian Noise) каналига нисбатан катта бўлади ва кадрларни қайта узатишлар сони кўп бўлади.


**5G тармоқларида**, LTE тармоқларидек, HARQ ва ARQ протоколлари ишлатилган. 5G тармоқларинг физик сатҳида фойдаланувчининг маълумотларини кодлаш учун LDPC (Low density parity check codes) коди ва кўпсатҳли модуляция (QPSK, QAM16, QAM64 ва QAM256) усуллари ишлатилади.

LDPC коди учун хатони тўғирлаш қобилиятини  $t$  код узунлиги  $n$  ва кодлаш тезлиги  $r_k$  орқали аниқловчи аналитик формула мавжуд эмас. Мавжуд экспериментал тадқиқотларнинг натижаларини таҳлили шуни кўрсатдики, код узунлигидан  $n$  қатъий назар LDPC кодини тўғирлаш қобилиятини  $t$  кодлаш тезлигига  $r_k$  боғлиқлик қонуниятини топилди. Код узунлигига нисбатан фоиз ҳисобида тўғирланадиган битлар сони турли кодлаш тезликларида бир хиллиги аниқланди.

Сигнал-код конструкциялари (СКК) кўрсаткичларига қуйидаги талаблар қўйилади: катта кодлаш тезлиги  $r_k$ , кодларни тўғри қабул қилиш эҳтимолининг  $Q_c$  юқорилиги ва модуляция усулини спектрал самарадорлигининг  $\log_2 M$  юқорилиги. Барча кўрсатилган талаблар бири-бирига зид ҳисобланади, яъни самарадорликни бир кўрсаткичи яхшиланса иккинчи кўрсаткичи ёмонлашади. Шунинг учун, СКК самарадорлиги барча кўрсаткичларни кўпайтмаси билан ифодаляимиз:

$$E = r_k Q_c \log_2 M . \quad (12)$$

СКК самарадорликни барча кўрсаткичларга боғлиқлик графиги 8- расмда келтирилган.



8 - расм. СКК самарадорлигини кодлаш тезлигига боғлиқлик графиги

Олинган натижалар радиоканал сифат кўрсаткичига ( $E_b/N_o$ ) боғлиқ ҳолда максимал самарадорликка эга СКК ни танлаш имконини беради.

Юқоридагилардан ташқари, маълумот узатиш звенолари фаолиятининг самарадорлигини ошириш бўйича қуйидаги усуллар яратилган:

маълумот узатиш звеносини самарадорлиги мезони бўйича физик ва канал сатҳлари блоklarини, яъни кадр ( $n_2$ ) ва код узунлигини ( $n_1$ ) оптимал қийматини аниқлаш мақсадида сатҳлараро келишув ва оптималлаштириш амалга оширилган. Маълумот узатиш звеноси самарадорлигини максималлаштириш мақсадида алоқа каналини турли параметлари учун физик ва канал сатҳлари блоklarининг оптимал узунликлари топилган;

Сунъий интеллект механизми (Reinforcement Learning) асосида кадрни оптимал узунлигини танлаш ва умумий радиоканалга кириш усуллари яратилган ҳамда маълумот узатиш звеноси кўрсаткичлари (кадрни оптимал узунлигини тўғри танлаш эҳтимоли ва уланиш вақти) мавжуд усулларга нисбатан 1.5 бараваргача яхшиланган;

дастурий конфигурацияланадиган тармоқнинг OpenFlow-коммутаторида кадрларни қайта ишлашнинг конвейер усули яратилган ва коммутаторни фаолиятининг нормал юклама оралиғини, конвейердаги оқимлар жадвали сонига қараб, 1.7 бараваргача оширилган.

Диссертациянинг учинчи «Телекоммуникация тармоқларида пакетларни узатиш, хизмат кўрсатиш ва маршрутлашнинг сатҳлараро моделларини яратиш» бобида маълумот бирликларини (пакет, сегмент) узатиш ва қайта ишлаш жараёнларида физик, канал ва тармоқ сатҳлари кўрсаткичларининг ўзаро боғланганлиги тадқиқ этилган ва қуйидаги сатҳлараро моделлар яратилган: тармоқ сатҳи пакетини узатиш, оқимларни

маршрутлаш ва уларга тугунларда хизмат кўрсатиш, ҳамда тармоқ тугунларида имтиёзли динамик хизмат кўрсатиш модели ва усули.

Тармоқ тугунларида пакетларни узатиш ва қайта ишлашда содир бўлиши мумкин бўлган ҳодисаларни тадқиқ этиш натижаларига асосланиб пакетларни узатиш жараёнини сатҳлараро модели яратилган. Маълумот пакети манбадан қабул қилувчига етиб боргунча бир неча маълумот узатиш звеносидан ўтади (2-расм). Ҳар бир звенода пакетларни қайта ишлаш ва кейинги звенога узатиш жараёнлари эҳтимолий графлар асосида ифодаланган. Тармоқ сатҳида қабул қилинган  $n_c$  битдан иборат пакетни ҳар бир битини хато бўлиши эҳтимолиги  $p_c = P_{oik} / n_c$  га тенг, бу ерда  $P_{oik}$  - маълумот узатиш звеносида кадрда қолдиқ хато бўлиш эҳтимолиги (11- формула).

Ҳар бир звенода (транзит тугунда) маълумот пакети  $P_{nn}$  эҳтимолилик билан тўғри қабул қилинади,  $P_{но}$  эҳтимолилик билан пакетдаги хато аниқлана олмайди ва  $P_{оо}$  эҳтимолилик билан пакетда хато топиллади. Пакетда хато топилган тақдирда пакет ташлаб юборилади. Транзит тугунлар сони  $N$  га тенг бўлган тармоқда пакетларни тўғри қабул қилиш, хато қабул қилиш ва ташлаб юбориш ( $P_{yc}$ ) эҳтимолиликлари аниқланган:

$$P_{nn} = P_{nn1} \cdot P_{nn2} \cdot P_{nn3} \cdots P_{nnN} = \prod_{i=1}^N P_{nni}, \quad (13)$$

$$P_{иск} = P_{но} \cdot \sum_{k=1}^{N-1} P_{nn}^{k-1} \cdot (P_{nn} + P_{но})^{N-k}, \quad (14)$$

$$P_{yc} = P_{оо} \cdot \sum_{k=1}^N (P_{nn} + P_{но})^{k-1}. \quad (15)$$

Транспорт сатҳи маълумотлар бирлиги сегментни узатиш жараёнининг сатҳлараро модели яратилган. Транспорт сатҳида амалий сатҳнинг  $n_c$  битли маълумотлари  $n_s$  битли блокларга бўлинади, маълумотлар сегменти  $n_4$  шакллантирилади ва тармоқ сатҳига узатилади. Транспорт сатҳ сегменти тармоқ сатҳи пакетини ичига жойлаштирилади. Кейинчалик юқорида кўрсатилгандек пакетларни узатиш жараёни бошланади.

Маълумотларни узатишнинг максимал тезлиги мезони бўйича физик сатҳнинг шовқинбордош кодининг турли параметлари ва каналда битларни хато бўлиш эҳтимолиликларини турли қийматлари учун транспорт сатҳ сегментининг оптимал узунлиги аниқланган.

Тармоқ тугунларида навбатларга хизмат кўрсатишнинг мавжуд усуллари статистик характерга эга бўлиб администратор томонидан соланади. Ушбу камчиликни йўқотиш мақсадида навбатларга динамик хизмат кўрсатиш усули таклиф этилган ва уни амалга ошириш босқичлари қуйидагича:

1. Оқимларни умумий интенсивлиги аниқланади: -  $D = \sum_{i=1}^N d_i$ .

2. Умумий оқимда  $i$  – трафигини улуши аниқланади: -  $\gamma_i = \frac{d_i}{D}$ .

3.  $i$  – навбатга ажратиладиган буфер ҳажми аниқланади: -  $l_i = \gamma_i L$ .

4.  $x_i$  бошқариладиган ўзгарувчи киритилади ва у канални ўтказувчанлик қобилятининг қанча қисми  $i$  - навбат учун ажратилишини кўрсатади, бунда  $\sum_{i=1}^N x_i = 1, 0 \leq x_i \leq 1$ .

5. Навбатни юқори юкланганликка тушмаслик шарти киритилади:  $d_i < x_i c$ .

6. Оқимларни афзаллик коэффициентларини ( $g_i$ ) инобатга олиб барча навбат узунликларини йиғиндиси минималлаштирилади: -  $\min \sum_{i=1}^N g_i Q_i$ .

Таклиф этилган усул канал ўтказувчанлик қобилятини тақсимлашдан ташқари умумий буфер ҳажмини навбатлар орасида ҳам тақсимлайди ва паст имтиёзли оқимларга кафолатли хизмат кўрсатишни тامينлайди.

Мавжуд маршрутлаш протоколлари сифатли хизмат кўрсатиш (Quality of Service, QoS) ва трафиклар инжиниринги (Traffic Engineering) механизмларини тўлиқ таъминламайдилар. Замонавий тармоқларда трафик оқимли хусусиятга эга бўлганлиги сабабли графга асосланган маршрутлаш усулидан оқимга асосланган маршрутлашга ўтишни талаб қилади. Оқимли маршрутлаш узатиш йўллари топишдан ташқари оқимларни қанча улуши ушбу йўллардан узатилишини аниқлайди.

Мавжуд ишларни таҳлили шуни кўрсатадики, оқимларни маршрутлаш ва тармоқ тугунларида навбатларга хизмат кўрсатиш масалалари алоҳида бирига боғланмаган ҳолда ечилган. Ушбу камчиликни йўқотиш мақсадида оқимларни маршрутлаш ва навбатларга хизмат кўрсатишнинг сатҳлараро модели яратилган. Тармоқ тузилиши  $G = (V, E)$  граф асосида тасвирланади, бу ерда  $V$  - тугунлар (маршрутизаторлар) тўплами,  $E$  - тугунларни бирлаштирувчи маълумот узатиш звенолари тўплами. Ҳар бир синфга мансуб трафикка имтиёз даражаси  $k$  кўрсатилади.  $k$  қанча кичик бўлса, имтиёз шунча катта бўлади. Ҳар бир  $k$  – имтиёзли трафик қуйидаги параметрларга эга:  $d_k, s_k, t_k$  – мос равишда  $k$  - имтиёзга эга трафик интенсивлиги, манба-маршрутизатор ва қабул қилувчи маршрутизатор. Тармоқ тугунларида ҳар бир  $k$  – имтиёзли трафикка алоҳида навбат ташкил қилинади. Шунинг учун, ҳар бир тугунда навбатлар сони  $K$  га тенг. Маршрутлаш усулини бошқариладиган ўзгарувчиси этиб  $x_{ij}^k$  белгиланади ва у ўтказувчанлик қобиляти  $c_{ij}$  бўлган  $(i, j) \in E$  каналдан узатилаётган  $k$  - имтиёзга эга оқимнинг улушини кўрсатади. Тармоқ тугунларида канални ўтказувчанлик қобилятини тақсимлаш усулини бошқариладиган ўзгарувчиси этиб  $y_{ij}^k$  белгилади ва у  $i$  - тугуннинг  $j$  - интерфейсидаги  $k$  - навбат учун каналнинг ўтказувчанлик қобилятидан қанча

қисми ажратилганлигини кўрсатади. Тармоқ ва маршрутизаторларни юқори юкламага тушмаслик шартлари киритилади.

Ушбу масалани қўйилишида оқимларни маршрутлаш усулига қўйиладиган асосий талаб турли имтиёзли трафикларни тармоқ тугунларига мувозанатли тақсимлашдир. Каналларни ўтказувчанлик қобилитини тақсимлаш усули эса трафикларга имтиёзини инобатга олиб кафолатланган дифференциал хизматни таъминлаш керак.

Тармоқнинг  $i$ - тугунининг  $j$ - интерфейси навбатларининг мувозанат индекси аниқланади:

$$\sigma_{ij} = \sqrt{\frac{\sum_{k=1}^K (\rho_{ij}^{k*} - \bar{\rho}_{ij}^*)^2}{K-1}}, \quad (i, j) \in E, \quad (16)$$

бу ерда  $\rho_{ij}^{k*}$  ва  $\bar{\rho}_{ij}^*$  - мос равишда  $i$ - тугунининг  $j$ - интерфейсининг  $k$ -навбатининг юкласи ва ушбу тугундаги барча навбатларнинг ўртача юкласи

$$\rho_{ij}^{k*} = \frac{d_k x_{ij}^k}{c_{ij}}, \quad \bar{\rho}_{ij}^* = \frac{\sum_{k=1}^K \rho_{ij}^{k*}}{K}. \quad (17)$$

Оқимларни маршрутлаш усулининг бошқариладиган ўзгарувчилари  $x_{ij}^k$  тармоқ тугунлари навбатларини мувозанат индексларининг йиғиндисини минималлаштиш асосида топилади:  $\min \sum_{(i,j) \in E} \sigma_{ij}$ .

Навбатларга хизмат кўрсатиш усулининг бошқариладиган ўзгарувчилари  $u_{ij}^k$  тармоқ тугунларидаги навбатлар узунликликларини йиғиндисини трафикларни афзаллик коэффициентларини инобатга олиб минималлаштириш асосида топилади:

$$\min \sum_{(i,j) \in E} \sum_{k=1}^k v_k Q_{ij}^k, \quad (18)$$

